



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 11 март, № 49 (5216)

Жума

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар,
янгиликлар,
хабарлар

Илгор технологиялар учун сармоялар

НАМАНГАН. “Норин-текс” очик акциядорлик жамиятида лойиҳа қиймати 130 минг АҚШ доллариллик техник ва технологик янгиликлар амалга оширилди.

Натижада бу ерда ишлаб чиқариш қувватлари 35 фоизга ортиб, маҳсулот сифати тубдан яхшиланди. Корхонанинг 90 кишилик жамоаси аяқланган йилда 3 миллиард сўмликка яқин қалава ип ишлаб чиқариб, 1 миллион 41 минг АҚШ доллариллик маҳсулотини экспорт қилишга эришди.

Этиборлиси, вилоятда ўтган йили жалб қилинган 22,3 миллион АҚШ доллариллик хориж сармоясининг асосий қисми саноат корхоналарини модернизация қилишга сарфланди.

Қ. НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Маҳсулот хорижга сотилади

СИРДАРЁ. Гулистон шахрида қийм-кечаклар тикилдиغان “Гул-Рентекс” ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонаси фаолият қўрсата бошлади.

Бунинг учун таъсисчилар томонидан 600 минг АҚШ доллариллик инвестиция киритилди. Айни пайтда 220 киши иш билан таъминланган ушбу корхонада илгор технологиялар ёрдамида ойига 780 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш имконияти мавжуд.

Этироф этиш керакки, бу ерда тайёрланаётган маҳсулотнинг асосий қисми экспортга йўналтирилди.

Ш. ХОЛМУРДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Инвестиция имкониятни кенгайтирди

ПОЙТАХТИМИЗдаги “Тошкент қозоғи” масъулияти чекланган жамиятига Банк томонидан киритилган 2 миллиард 38 миллион сўмлик инвестиция ҳисоби-га бу ерда янги технологик линиялар ишга туширилди.

Натижада молиявий инқироз ёқасига келиб қолган мазкур корхонада ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ тикланди. 300 киши меҳнат қилаётган “Тошкент қозоғи”да ўтган қисқа муддатда 2 миллиард 362 миллион сўмлик импорт ўрнини босувчи маҳсулот тайёрланиб, ички бозорга чиқарилди.

Хозир корхонада модернизациялаш тадбирларининг кейинги босқичи амалга оширилмоқда. Янги лойиҳа рўёбга чиқиши бўлган бу ерда ишлаб чиқариш ҳажми йилга 35 минг тоннага етади, яъни салкам беш баробарга ортади.

Н. ТЕМИРОВ.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Шу йил 10 март кuni Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Уни комиссия раиси М. Абдусаломов бошқарди. Марказий сайлов комиссияси раиси Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалари хусусида тўхтади.

Мажлисида мамлакатимизда демократик ислохотларни яна-

да чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш доирасида Марказий сайлов комиссияси аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида сайлов эркинчилигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш бўйича давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган қонунчилик ташаббусларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуни-тиришга қаратилган амалий

семинарлар ўтказгани таъкидланди. Уларда вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари аъзолари, шунингдек, жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Мажлисида Президентимизнинг сайлов қонунчилигини тақомиллаштиришга доир қонунчилик ташаббусларининг асосий қоидаларини кенг жамоатчиликка тушунтириш, бу борада белгиланган тадбирларни ўз вақтида ўтказиш ҳамда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланиш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

(Давоми 2-бетда).

БИЛИМ ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ



— **Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги нишонланадиган муборак йил бизнинг жамоамиз, ўқувчиларимиз ҳаётида унутилмас йил бўлади, — дейди Самарқанд шаҳридаги автомобилсозлик касб-хунар коллежи директори, техника фанлари доктори Исмоил Эргашев. — Бойси, биз шу йил биринчи битирувчиларимиз — илк қалдирғочларимизни мустақил ҳаётга учирма қиламиз.**

Ибрат

Қўҳна ва ҳамиша навқирон шаҳарнинг гавжум даҳаларидан бирида жойлашган мазкур ўқув даргоҳида бугун 590 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Коллеж жамоаси мамлакатимизда автомобил саноати жадал суръатларда ривожланаётган бир пайтда соҳага етук, малакали мутахассисларни етказиб беришга бутун куч ва имкониятларини сафарбар этмоқда. Бунинг учун барча шарт-шароит муҳайё қилинган. Компьютерлаштирилган синфхоналар, фан лабораториялари, ўқув тажриба хўжалиги бўлажак автомобилсозлар ихтиёрида. Хомий ташкилот — “СамАвто” автомобил заводи коллеж педагоглари ва ўқувчиларининг энг яқин ҳамкори. Заводнинг беш нафар мутахассиси ишлаб чиқариш устаси сифатида коллежга доимий бириктириб қўйилган. Шунингдек, “СамАвто” томонидан коллежга автобус, юк машинаси ва энгил автомобилларнинг намуналари тақдим этилган бўлиб, ўқувчилар дарс жараёнида автомобилнинг тузилиши, қисмлари, иш жараёнлари,

техник ва сервис хизмат кўрсатиш усулларини бевосита кузатиш имкониятига эга.

3-босқич талабаси Шахзод Нўн Назаров ўқув лабораторияларининг бирида автомобиль қисмларини пайвандламоқда. Йигитчанинг фикр-ёди ўзи бажараётган ишда. Буни тушуна бўлади, яна санокли кунлардан кейин Шахзод коллежга кириш олдидан телевизорда кўриб орзу қилгани — “СамАвто”га амалиёт машғулотларини ўташ учун боради. Катта жамоода эсанкираб қолмаслиги, ўзига топширилган вазифани уддалаб кетиши, устозлари ишончини оқлаши учун ҳозирдан пухта тайёргарлик кўриши керак.

— Завод жуда машхур, талаби ҳам шунга яраша. Мабо-до, корхонада қолиш имконияти бўлмай қолса, нима иш қилмоқчисиз? — сўраймиз Шахзоддан.

— Аввало, заводда қолишга ҳаракат қиламан. Бунга билим ҳам, малакам ҳам етарли деб ўйлайман, — дейди қатъий билан у. — Ишга жойлашолмай қолсам, бўёғини ҳам ўйлаб қўйганман. Бизга коллеж дип-



ломи билан бирга “ВС” категорияли ҳайдовчилик гувоҳномаси ҳам беришди. Автокорхоналарнинг бирида ишлашим, ишдан ажралмаган ҳолда, кичикроқ устхона очиб, ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишим ҳам мумкин.

Коллеж битирувчиларининг амалиёт даври босқичма-босқич олиб борилади. “СамАвто” билан уч томонлама — “корхона — коллеж — битирувчи” ўртасидаги шартномага қўра, ёш автомобилсозлар тўрт ҳафта мобайнида “СамАвто”да бўлиб,

барча иш жараёнларини кузатиб, устозлари ёрдамида бево-сита иштирок этиш имкониятига эга бўладилар. Шундан кейин уч ҳафталик амалий машғулотлар “Ўзавтотеххизмат” ҳудудий бўлимининг жойлардаги автомобилларни таъмирловчи, техник хизмат кўрсатувчи устхоналарида олиб борилади. “Ўзавтотеххизмат” Самарқанд ҳудудий бўлими коллежнинг яқин ҳамкорларидан. Устхоналарда ўқувчилар турли русумдаги техникалар таъмири, автомобилларга сервис хизмати кўрса-

СУРАТДА: Самарқанд автомобилсозлик касб-хунар коллежи ўқитувчиси Акмал Ҳожимамедов ўқув-лабораторияда ўқувчиларга амалий машғулот ўтқоқда.

Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

тиш жараёнларида иштирок этадилар.


Амалиёт даври шундан кейин сўнгги босқичга — автосаройларга кўчади. Худди “СамАвто” ва “Ўзавтотеххизмат” каби бу ташкилотлар билан ҳам коллежнинг шартномаси бор. Амалиёт даврида ўзини кўрсатган, иқтидорли битирувчилар ўша корхона ёки ташки-

лотда муқим ўрнашиб қоладилар. Шартномаларда масаланинг бу — энг муҳим томони ҳам ўз аксини топган, албатта. Битирувчилар орасида Тошкентдаги Турин политехника университетида ўқиш истагида бўлганлари ҳам кўп.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ВА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи ййгилишида давлат ҳокимияти ва бошқаруви демократлаштириш борасида муҳим аҳамият касб этувчи “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)”ги Қонун қабул қилинди. Мазкур Қонун маъқуллаш учун Олий Мажлис Сенатига юборилди.



Хар қандай жамият ўз эҳтиёжларини доимо давлатнинг диққат марказида бўлиши хоҳлайди ва албатта, бунга доимо мухтохлик сезиб боради. Шунинг учун ҳам давлат ҳокимияти ва бошқарувининг жамият манфаатлари йўлида амалга оширилиши долзарб аҳамият касб этади.

Мухтарам Юртбошимиз раҳбарлигида мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви ташкил этиш тартиби ва мазмунига алоҳида эътибор билан ёндашиб келинмоқда. Асосий Қонунимизда давлат ҳокимиятини ифода этиш, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдига масъулияти қатъий қоида сифатида белгилаб қўйилгани ҳам бежиз эмас. Шунингдек, унда халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи эканлиги, давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Конс-

титуция ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилиши аниқ-равшан ифодасини топган.

Конституциямиз асосига қўйилган, чуқур ва пухта

да **Давлат ҳокимияти ва бошқаруви демократлаштириш** борасидаги вазифалар ҳам муҳимлигини алоҳида таъкидлади. Маърузадаги гоғлар, вазифалар нафақат мамлакатимизда, балки дунё жамоатчилиги

орасида ҳам катта қизиқиш уйғотди. Хорижий мамлакатларнинг бир қатор давлат ва жамоат арбоблари, таниқли сиёсатшунос олимлари, йил-бир экспертлари, ҳуқуқшунос ва мутахассислари томонидан мамлакатимизда қисқа вақт мобайнида амалга оширилган демократик ўзгаришлар ҳамда жадал суръатлардаги ривожланишларга юксак ижобий баҳо берилаётгани ҳам биримизда гурур ва ифтихор туйғуларини уйғотди.

Президент томонидан эълон қилинган Концепцияда аввалги йилларда амалга оширилган ислохотлар ичида **қонун чиқарувчи ҳокимият — Парламент ҳам тубдан ислох қилинганлиги алоҳида ўрин олди.**

Чиндан ҳам, мустақиллик йилларида мамлакатимизда моҳиятан янги, қонунчилик ва вакиллик вазифаларини бажара оладиган, яратувчилик мақсадларига хизмат қилувчи парламент институти яратиш ва уни ривожлантириш бўйича изчиллик билан самарали ишлар амалга оширилди. Чўнки самарали парламент тизимини яратмасдан туриб, демократик давлатчилиكنи барпо этиш, сиёсий ва ҳуқуқий тизимни тубдан ислох қилиш, бозор иқтисодиётини ривожлантириш ҳуқуқий ҳиҷатдан таъминлаш, сиёсий-ҳуқуқий онгининг янги тизimini шакллантириш мумкин эмас эди.

Хозиргача босиб ўтган йўлимизда назар ташлайдиган бўлсак, дастлабки йилларда бир палатадан иборат бўлган Олий Мажлис ҳам фаолият юритди. У ўтган даврда давлат ҳокимияти органлари тизимида ўзининг муносиб ўрни-ни эгаллади ва демократик ислохотлар чуқурлашган сари унинг таъсири ҳам мутасадил ортиб борди. Шу билан бирга, бу даврда парламентаризм қадриятлари қарор топди, ўзига хос миллий парламент аъноалари, қонунчилик мактаби шаклланди. Қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасига ҳавола этиш, миллий дастурлар ва янги таҳрирдаги қонунлар қабул қилиш амалиёти яратилди. Энг асосийси, мамлакатимиз аҳолисининг муҳим демократик институт — парламентга муносабати тубдан ўзгарди.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

2011 йил 10 март кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисини шу йил 25 март кuni Тошкент шаҳрида қақариш тўғрисида қарор қабул қилди.

Кенгашда қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси парламенти юқори палатасининг бўлажак ялпи мажлисида асосий масала “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқишдан иборат бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис иккала палатаси қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузасида баён этилган қонунчилик ташаббусларига мувофиқ тайёрланган ва қабул қилинган ушбу Қонун, унинг қоидалари давлат ҳокимияти ва бошқаруви соҳасини демократлаштиришнинг янги босқичини бошлаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини янада демократлаштириш, ваколатлар давлат ҳокимиятининг унча субъекти: давлат раҳбари — Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ўртасида янада мувозанатли тақсимланишини таъминлаш, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни амалга оширишда, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли ва таъсирини қулайтириш мақсадида киритилмоқда.

Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Рес-

публикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонунни ҳам киритиш режалаштирилмоқда. Бўлажак ялпи мажлис кун тартибига мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг ҳамма соҳаларини изчил ислох қилиш ва эркинлаштиришга, уни демократик янгилаш ва модернизациялашга қаратилган бир қатор қонунлари киритиш ҳам режалаштирилмоқда. “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги, “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусуслийлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги, “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонунлар шулар жумласидандир.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги демократик ислохотларни чуқурлаштириш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлашда Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига киритилаётган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги, “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қонунлар катта аҳамиятга эга бўлади.

Сенатнинг бўлажак ялпи мажлисида сенаторлар “Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенцияга (Гаага, 1965 йил 5 октябр) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги ва “Коллектив хавфсизлик тўғрисида”ги

шартнома ташкилотининг ҳуқуқий мақоми ҳақидаги 2002 йил 7 октябрдаги Битимга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Протоколни (Душанбе, 2007 йил 6 октябр) ратификация қилиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини ҳам кўриб чиқилди.

Шу билан бир қаторда, Сенатнинг навбатдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурининг Ўзбекистон Республикаси Прокуратура органларининг 2010 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2010 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича валиининг (омбудсманнинг) 2010 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини ҳам кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш режалаштирилмоқда. Сенаторлар ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Адлия вази-рининг 2010 йилда давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат тузилмалари томонидан қонунларнинг ижро этилиши ҳолати тўғрисидаги ахборотини муҳокама қиладилар. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ва Олий суди таркибига ўзгаришлар киритиш ҳақидаги масалалар кўриб чиқилди.

Ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинади.

Олий Мажлиси Сенати қўмиталари ва Девонининг бешинчи ялпи мажлисига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштириш учун Кенгаш томонидан махсус ишчи гуруҳ тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

РИЗҚ ЙЎЛИНИ ОЧУВЧИЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).



лаётган катта ютуқларда бундай эътиборнинг аҳамияти бекиёс бўлмоқда.

Аллоҳ таоло деҳқончилик оркали етиштириладиган ҳосил ва меваларни инсонларга ризқ қилиб берган экан, инсон ўз ризқига бефарқ муносабатда бўлиши мумкин эмас. Албатта, деҳқончилик соҳасида олинадиган ҳосил ёки ризқ-рўз инсоннинг меҳнати, унинг омиқкорлик фазилатларига ҳам томонлама боғлиқ. Шунинг учун ҳам ҳар бир мусулмон киши дунё ободлигини охират ободлиги билан узвий боғлаши, юртининг ҳар бир гўшаси фаровон бўлиши йўлида чин ихлос билан меҳнат қилиши фарздир. Бу дунёдаги энг яхши фазилатларидан.

Маълумки, бу йил Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллик санасини катта байрам қиламиз. Ушбу улугъ айёمنى муносиб қутиб олиш учун юртимизда кенг қўламдаги тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган. Шундай ҳайрли ишлардан бири, ўлкамизни янада обод ва кўркам қилишдир.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва унинг тасарруфидagi барча масжидлар ҳамда ўқув юртлири ҳам юртимизнинг 20 йиллик тўйига 20 тадан кўчат ўтказиш ташаббусига қўшилиб, дарахт экиш ишларини бошлаб юборишди. Бу эзгу ишга меҳнатсевар халқимиз ўз ҳиссасини қўшади, деган умиддамиз.

Зеро, Ҳақ таоло ўз каломида амр этиб, деган: *«Ишлангиз! Албатта, Аллоҳ, Расули ва муминлар ишларингизни кўражақлар. Шунингдек, албатта, ғойиб ва ошқора (ишлар)ни билувчи (зог) ҳузурига қайтарилирсиз. Бас, (ўшанда) сизларга қилган ишларингиз хабарини бериур»*.

Дунёда ҳар бир мамлакат, ҳар бир халқнинг миллий ва диний байрам қўнлари бўлади. Шу жумладан, бизнинг диёримиз саналими мустақил Ўзбекистон халқининг ҳам қатор байрамлари борки, ҳар йили улар тантанали равишда ўтказиб борилади. Худди шундай миллий байрамларимиздан бири — Наврўз байрамидир.

Наврўз киш фаслидан чиқиб, баҳор айёмига саломат етганимиз ҳамда ерга уруғ қадайдиган фурсат етгани муносабати билан деҳқонларнинг ҳам баҳор байрами сифатида нишонлайдиган мавсумий тадбири ҳисобланади. Диёримизнинг меҳнаткаш бободоҳқонлари, ерларни екишга ўз вақтида тайёрлаб, имон-эътиқод ва ихлос билан қут-барака уруғларини қадашни бошлаб юбордилар. Улар-

Усмонхон АЛИМОВ, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий.

лиши бўйича вилоят Меҳнат ва аҳолини иқтимоий муҳофаз қилиш бош бошқармаси, қишлоқ ҳўжалиги йўналиши бўйича вилоят Қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси, тиббиёт йўналиши бўйича вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси, Саноат йўналиши бўйича Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси каби бир қатор ийрик ташкилотлар масъул қилиб бириктирилган.

Яқинда вилоят ҳқимининг яна бир қарори эълон қилинди. Унга кўра, вилоятдаги мавжуд машина-трактор парклари имкониятларидан тўла фойдаланиш ва замонавий қайта жиҳозлаш, уларда касб-ҳўнар коллежлари ўқувчиларининг тегишли мутахассислиги бўйича амалиёт ўташларини жорий этиш, МТПлар қoшида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш, чорвачилик ва паррандачиликни ташкил этиш, шу йўл билан қишлоқ ўшларига янги иш ўринлари яратиш чора-тадбирлари белгиланган. Қуни кеча эса ўзларининг истиқболли бизнес лойиҳаларига эга бўлган коллеж битирувчиларининг бир гуруҳига эса вилоят тижорат банкларининг сертификатлари тантанали сўратда топширилди.

...Самарқанддан қайтишимизда осмонда бир гала қалдирғочлар парвоз қилиб юрганига кўзимиз тушди. Беихтиёр вилоят коллежларида тахсил олаётган, санқоли ойлардан кейин мустақил ҳаётга йўлланма оладиган битирувчилар ёдимизга келди. Уларни шу қалдирғочларга ўхшатдик. «Ҳаётга қўяётган илк қадамингиз ишончли, парвозингиз баланд бўлсин!» дея ният қилдик.

Али ЗИЁДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

уларни ижроия ҳқоимияти иши устидан масъулятини ҳам оширади.

Шунингдек, биринчи мартаба **Бош вазирга нисбатан ишонсизлик вотуми** билдириш ҳқўқи ҳам жорий этилмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, бу янгилик халқаро амалиётта мос келиши билан бирга, ўзига хос хусусиятларга эга. Яъни, **биринчидан**, ишонсизлик вотуми қачонки Бош вазир ва Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тўс олсагина билдирилади. **Иккинчидан**, вотум Қонунчилик палатаси депутатларининг қамида учдан бир қисми томонидан кўтарилиши мумкин. Бу эса ишонсизлик вотумини билдиришда турли эхтирослар ва тушунмовчиликлар пайдо бўлишининг олдини олишга қаратилган. **Учинчидан**, бу масала депутатлар томонидан Президентга кўриб чиқиш учун тақлиф этилиши керак. Президент эса бу тақлифни Олий Мажлис палаталарининг қўшма ййгилиши муҳокамасига киритади.

Конституциянинг 80-моддасининг 6-банди ва 93-моддасининг 12-бандига киритилиши назарда тутилётган ўзгартишларда **Ҳисоб палатаси Раисининг тайинлиши ва лавозимидан бўшатилиши** ҳақидаги Президент фармонларининг Сенат томонидан кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши ҳақидаги қойда мустақамланмоқда. Маълумки, Ҳисоб палатасига масъул вазифалар юқлатилган ва у ўз фаолияти юзасидан Олий Мажлисга ҳисоб бериб туради. Шундан келиб чиқадиган бўлсак мазкур янгилик юридик жиҳатдан ҳам, сиёсий нўқтани назардан ҳам тўғри бўлиб, Сенатнинг ваколатларини кенгайтириш, бюджетни шакллантириш ва ихроси устидан парламент назорати самарадорлигини оширишга, шубҳасиз, хизмат қилади.

93-модданинг 8-бандидаги **ижро этувчи ҳқоимият девонини тўзади ва унга раҳбарлик қилади** деган норманинг Президент ваколатларидан чиқарилиши Президентнинг бир вақтинг ўзида ижро этувчи ҳқоимият бошлиғи эканлигини белгилайдиган норманинг Конституциямиздан чиқарилаётгани ва ижроия ҳқоимиятининг ислоҳ қилинаётгани билан бевосита боғлиқ бўлиб, ваколатларнинг мутаносиб тақсимланишини назарда тутайди.

Мазкур қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасининг ақинда бўлиб ўтган ялли ййғилишида атрофлича муҳомамадан ўтди ва депутатлар томонидан тўла маъқулланди ва Сенат муҳокамасига юборилди.

Умуман, Концепцияда белгиланган ва бугунги кунда Конституциямизга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатимиз сиёсий-иқтимоий ҳаётида ва миллий давлатчилигимиз тарихида янги ривожланиш босқичини бошлаб беради ва ўз олдимизга қўйган мақсадларимизга эришишимиз, энг асосийси, эркин иқтисодиётга асосланган очик демократик ҳқўқий давлат қуриш, инсон, унинг ҳқўқ ва манфаатлари том маънода олий қадрият даражасига кўтарилган жамият барпо этиш учун, Ўзбекистонимизнинг дунёнинг энг раванак топган илгор давлатлари қаторидан муносиб жой эгаллашида мустаҳкам ҳқўқий асос бўлиб хизмат қилади.

Н. ИСМОИЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳқўққ масалалари кўмитасининг раиси.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу билан бирга, бу даврда икки палатали парламентга ўтиш учун, яъни парламент ўз ваколатларини самарали амалга ошириши, ҳар томонлама асосли ва пухта қарорлар қабул қилиши учун зарур бўлган ўзаро мувоzanат ва чекловлар тизимини яратиш, депутатларнинг доимий асосда профессионал тарзда иш олиб боришлари, парламент фаолиятида умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришиш, аҳолининг мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги иштирокини янада кенгайтириш учун етарли шарт-шароитлар яратилди.

2002 йил 27 январда бўлиб ўтган умумхалқ референдуми яқунлари ва шу асосда қабул қилинган қонунларга кўра, 2004 йилда бўлиб ўтган

МАМЛАКАТНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ВА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

демократик сайловлар натижасида шакллантирилган икки палатали парламент қонун ижодкорлиғи жараёнига янада янгича маъно ва мазмун олиб кирди. Қонун лойиҳаларини уч ўқишда кўриб чиқиш, қўмиталар ҳузурида жамоатчилик экспертилар гуруҳи фаолиятини жорий этиш, келишмовчиликларни келишув комиссиялари орқали ҳал қилиш, турли хил давлат дастурларини тасдиқлаш, парламент сўрови, парламент аштитувини амалга ошириш каби янги парламент тажрибалари жорий этилди. Сиёсий партияларнинг парламент ҳаётидаги иштироки кескин ошди. Фракциялараро баҳс-мунозаралар, тортишувлар, қонунлар лойиҳалари ва долзарб масалалар юзасидан ўз позицияларини қатъий ҳимоя қилиш мустаҳкам қарор топиб бормоқда.

Парламент ислохоти, пировард натижада ҳқоимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар муvozanати тизимини янада кенгроқ таъминлади, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳқоимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг ролини кучайтирди, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришилди, қонун ижодкорлигининг самараси ва қонунларнинг сифатини жиддий оширди.

Президентимиз ўз маърузаларинида ўтган даврда **ижроия ҳқоимиятнини ислоҳ қилиш** борасида ҳам мамлакатимизда муҳим ишлар амалга оширилгани ҳақида тўхталдилар. Ҳақиқатан ҳам, 2003 йилда Асосий Қонунимизга киритилган ўзгартишлар натижасида Президент томонидан эгаллаб туриладиган Вазирлар Маҳкамаси Раиси лавозими тугатилганлиги, кейинчалик, яъни 2007 йилда киритилган тўзатишлар билан Президентнинг бир вақтинг ўзида ижро этувчи ҳқоимият бошлиғи эканлигини белгилайдиган норманинг Конституциямиздан чиқарилганлиги ҳқўмат фаолиятининг тубдан ўзгаришига олиб келди. Бу қойда Президентнинг Ҳқўмат билан, умуман олганда, бутун ижроия ҳқоимияти тизими билан бўлган муносабатини тубдан ўзгартирди. Бош вазирга

ҳқўматга раҳбарлик қилишнинг ўтиши, унинг ҳқўққи кенгайтирилганлиги, шу жумладан, ҳқўмат аъзоларининг унинг тавсияси билан шакллантирилиши унинг Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини ташкил этишдаги ва унга раҳбарлик қилишдаги масъулятини ва жавобгарлигини оширди. Бу ислохотлар ҳқўматнинг мамлакат иқтисодиётига, ижтимоий ва маънавий соҳадаги фаолиятига самарали раҳбарлиқни амалга оширишига имконият яратди ва ҳқўматнинг том маънода амалда мустақил бўлишини таъминлади.

Конституциямизга 2007 йилда киритилган тўзатишларда **Президент давлат бошлиғи эканлиғи билан бирга давлат ҳқоимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини таъминлашлиғи** ҳақидаги қойданинг мустаҳкамлани-

кўпгина мамлакатларда ҳқўматнинг ҳар йили бир марта парламентга ҳисобот бериб туриш амалиёти мавжуд. Бизда эса Парламент палаталари агар у ёки бу масалани долзарб деб ҳисоблаганда, ҳқўмат раҳбарининг ҳисоботини ҳар қандай вақтда ҳам эшитаверади. Бу конституциявий қойида парламентнинг ижроия ҳқоимиятга таъсирини янада оширади, энг асосийси, ҳқўмат фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг кенгроқ бўлишига олиб келади ва ҳқўмат фаолиятининг шаффофлигини таъминлайди.

Ўз ўрнида Конституциямизнинг 93-моддасига киритилаётган қўшимчага биноан Бош вазирга **вилоятлар ҳқоимлари ва Тошкент шаҳар ҳқоимларини тайинлаш учун Президентга тақдимнома киритиш ҳқўққи** ҳам берилмоқда. Маълумки,

ши ҳқоимият барча тармоқларининг бири-биридан мустақил ҳолда иш юритиши принципининг ҳаётга янада оқилона жорий қилинишига, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳқоимиятлари ўртасида барқарор муvozanат, ўзаро тийиб туриш механизмларининг кенгроқ шаклланишига замин яратди. Ўз ўрнида давлат бошлиғига ҳам ўзининг Конституциявий ваколатларини янада самарали бажариши учун имкониятлар яратилди.

Давлат ҳқоимияти ва бошқарувини демократлаштириш борасидаги ўтган йилларда амалга оширилган ишларимизнинг натижаси ислохотларимизнинг навбатдаги босқичига ўтишимизга замин яратди. Шундан келиб чиқиб **Юртбошимиз** томонидан **«Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги қонун лойиҳаси** Қонунчилик палатасига киритилди. Қонун лойиҳаси Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳқоимиятлар ўртасидаги ваколатларни янада мутаносиб тақсимлашга қаратилган. Қонун лойиҳасида парламент ваколатларини янада кенгайтиришга, сиёсий партияларнинг ролини оширишга, ижроия ҳқоимиятини, ҳусусан, Бош вазирнинг масъулятини янада оширишга қаратилган бир қанча қойдалар кўзда тутилган.

Конституциянинг 78-моддасининг 15-бандига киритилаётган қўшимчада мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари **юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш** Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг биргаликдаги ваколатлари доирасига киритилмоқда. Бу қойида қонун чиқарувчи ва ижроия ҳқоимияти ўртасида муносабатнинг ўзига хос усулини жорий қилиш билан бирга, Бош вазир ва у орқали ижроия ҳқоимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга оширишнинг янги механизмини яратди. Базми хорижий давлатлардагидан фарқли равишда биздаги бу янгилик ўзига хос жиҳатларга эга. Яъни

Қишлоқда замонавий корхона

ган мазкур корхона «Омади Ҳикмату Пайравжон» деб номланди.

Корхона учун 0,08 гектар ер ажратилган бўлса, уни қуриш ва замонавий технологиялар

билан жиҳозлаш учун 92 минг АҚШ доллари ҳисобида маблаг сарфлан-

ди. Саккиз нафар сўхлик қишлоқдаги қишлоқда ишлаб чиқари-

лаётган сифатли ва ҳамёнбоп етти турдаги қолбаса маҳсулотлари савдо шохобчаларига етказиб берилмоқда.

Асқарали АНБАРҲОНОВ, Фарғона вилояти

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Марказий сайлов комиссияси аъзоларига сайлов эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш бўйича мамлакатимизда демократик ислохотларни янада қучурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясини амалга ошириш мақсадида меъёрий-ҳқўқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ишларининг бориши ҳақида маълумот берилди. Бу ишлар парламент ва сиёсий партиялар вакиллари, сайлов ҳқўқи соҳаси мутахассислари иштирокида миллий ҳамда халқаро тажрибани чуқур ўрганиш орқали амалдаги қонунчилик ҳужжатларини танқидий таҳлил этиш ва қайта кўриб чиқиш асосида амалга оширилаётгани таъкидланди.

Комиссия мажлисида Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»-ги Қонунининг 4-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»-ги Қонунининг 5-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг айрим депутатлари ва Сенатнинг айрим аъзоларининг ваколатларини объектив сабабларга кўра мuddатидан олдин тўхтатиш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Марказий сайлов комиссияси фаолияти билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Марказий сайлов комиссияси Матбуот хизмати.

БИЛИМ ВА АМАЛИЁТ УЙЎНУЛИГИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Мамлакатимизда автомобил-созлик жадал суратларда ривожланмоқда, — дейди Исмоил Тошкенбоевич. — Нафақат ўзимизда, балки хорижий юртларда ҳам ўзбек автомобилларига қизиқиш катта. Тармоқ йил сайин кенгаймоқда. Маҳаллийлаштириш дастури асосида янги-янги бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчи корхоналар ишга тушаяпти. Бу эса ҳудудда ягона бўлган бизнинг коллежимиз жамоаси олдига ҳам катта масъулят юқлади. Ўзбек автомобилсозлигига билимли, уқувли, малакали мутахассислар етказиб беришимиз керак. Ана шуларни ҳисобга олиб, коллеж моддий-техник базасини кенгайтиришга, ўқувчиларга етарли шарт-шароитлар яратиб беришга ҳаракат қилаймиз. Сўнгги икки йил ичида билим масканимизни замонавий жиҳозлашни тўлиқ нийҳосига етказмоқчимиз. Ўқувчиларимиз орасида олис туманлардан, қўшни вилоятлардан келаётганлардан кўпчилиги ҳисобга олиб, янги тураржой биносини қуришни ҳам мақсад қилганмиз. Шу билан бирга, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устохонаси очиш ниятиمиз бор. Ишлаб топилган маблағни аълочи ўқувчилар ва устоз-мураббийларни рағбатлантиришга, коллежимиз моддий-техник базасини янада кенгайтиришга сарфламоқчимиз.

Самарқандда юқориди биз фаолиятига қисқача тўхталган, давр билан баб-баравар одим ташлаётган коллежлар оз эмас. Шундай жамоалардан бири — молия-иқти-



СУРАТДА: Самарқанд молия-иқтисодиёт коллежи 2-босқич ўқувчилари компьютер марказида.

содиёт коллежидир. Мазкур жамоани вилоятдаги 51 ташкилот, муассаса, ҳўжалик юритувчи субъектлар билан уч томонлама шартномаси бор. Унга кўра, ўқувчилар дастлабки босқичда ўқиётганларидаёқ ўзлари бириктирилган ташкилот ёки муассасига бориб, танишиб, дастлабки қўшимча ҳосил қилишади. Ўша ташкилот раҳбар, мутахассислари ҳам тез-тез коллежга келиб, оқиқ дарсларда иштирок этишади. Кейинроқ ўқувчилар амалиёт машғулотларини ана шу ташкилот, муассасада ўтказишади. Диплом олган эса, ўша жойнинг ёш мутахассисига айланишади. Молия, банк иши, бухгалтерия

ҳисоби, солиқлар ва солиққа тортиш йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрлайдиган мазкур билим даргоҳида бугун 1754 нафар ўқувчи тахсил олмақда. Уларга 93 нафар олий маълумотли педагог сабоқ бераётир.

Коллежда ўқувчиларнинг билим олишлари, танлаган соҳалари бўйича малакали мутахассис бўлиб етиштишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Турли фан кафедралари, компьютер синфлари, ахборот технологиялари кабинети, ахборот-ресурс маркази, инглиз тилини ўрганиш гуруҳлари — ҳамма-ҳаммаси ўқувчиларнинг

бугунги давр талаблари асосида пухта билим олишларига йўналтирилган.

Коллеж ўқувчилари маънавий-маърифий соҳадаги кўрик-танловларда муносиб иштирок этиб келмоқда. Жумладан, улар Президентимиз Исрол Каримовнинг «Ҳаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шaroитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари» асарини ўрганиш бўйича бўлиб ўтган кўрик-танловнинг вилоят босқичида биринчи ўринни, Ўзбекистондаги Британия кенгаши билан ҳамкорликда «Энг яхши инновация гоя» мавзусида ўтказилган рес-

ЖАҲОН

24 соат ичида

Сомалилик қароқчилар томонидан гаровга олинган “Rak Africana” номли кема ва унинг экипаж аъзолари ўн бир ойлик тутқунликдан сўнг озодликка чиқарилди.

Тутқунлик ниҳоясига етди

БААга тегишли сув транс-порти воситасини қайтариб олиш учун қанча миқдорда маблағ тўлангани маълум эмас. Унинг бортидаги 26 кишининг барчаси соғомон эканлиги айтиб ўтилди.

Юк кемаси 2010 йилнинг 11 апрель куни Ҳинд океанида қўлга олинганди.

Зилзила қузатилди

Папуа-Янги Гвинея соҳилларида 6,6 балли зилзила рўй берди.

Табийи офат маркази Кандриан шаҳридан 27 км. узоқликда қайд этилган. Ҳозирча ҳодисадан жабр кўрганлар ва цунами хавфи бор ёки йўқлиги ҳақида маълумот йўқ.

Натижа қўтилганидек эмас

“Moody’s” халқаро рейтинг агентлиги Грециянинг кредит бўйича кўрсаткичлари кескин ёмонлашганини эълон қилди.

Ушбу мамлакат ўз иқтисодиётини барқарорлаштириш мақсадида 2010 йилнинг май ойида Европа Иттифоқи ва Халқаро валюта жамғармасидан 110 млрд. евро миқдорида қарз олган эди. Агентлик мутахассисларининг айтишича, Греция ҳукуматининг таназзул асоратларини бартараф этишга қаратилган ислохотлари қўтилган самарани бермаяпти. Бу ҳолат ўз-ўзидан кредитни белгиланган муддатда қайтара олмаслик хатарини келтириб чиқариши мумкин.

Тамакини панага олинг

Буюк Британия соғлиқни сақлаш департаменти чекишга қарши кураш янада кучайтирилишини маълум қилди.

Режага кўра, тамаки маҳсулотлари дўкон расталарида қўйилмайди, аксинча кўз тушмайдиган жойларда сақланади. Мазкур қоида 2012 йилдан бошлаб йирик дўкон ва супермаркетлар, 2015 йилга бориб эса барча савдо нуқталарида қўлга киради. Бундан ташқари, тамаки қўтиларидаги ёрқин тасвир ва дизайнлардан воз кечиш масаласи ҳам шу йил охиригача ҳал этилиши мўлжалланмоқда.

Шу йўл билан мамлакатда яқин беш йил ичида чекувчилар сонини 18,5 фоизга қисқартириш кўзда тутиляпти. Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига кўра, ҳозир бу ерда аҳолининг 21,2 фоизи кашандаликка ружу кўйган.

Митти автомобиллар синовда

Германиянинг “BMW” компанияси митти электр машиналари — “i3” ва “i8”ни синовга қўйди.

Агар улар тестдан муваффақиятли ўтса, икки йилдан сўнг сотувга чиқарилади. Компанияга тегишли Лейпцигдаги қорхонани шу моделдаги автомобилларни оммавий ишлаб чиқаришга мослаштириш учун 400 млн. евро сармоя йўналтириш назарда тутилган.

Ҳар икки автомобилнинг кўриниши бежирим. Улардан бири — “i3”нинг қуввати 170 от кучига тенг. Бир марта заряд олиши 160 км. масофани босиб ўтиш имконини беради. Иккинчиси эса спорт мусобақалари учун мўлжалланган бўлиб, соати-га 250 км. тезлик билан ҳаракатлана олади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Тошкентликлар ва пойтахтининг меҳмонлари диққатига!

2011 йил 14 — 21 март кунлари

«Тошкент универмаги» ОАСИЧЖда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган халқ истеъмоли товарлари савдо кўргазмаси ўтказилади.

Савдо кўргазмасига нарҳамай!

Ташкент Универмаги

Манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон аҳолиситони, 13-йўл.
Телефон: (8-371) 333-63-66. Факс: (8-371) 333-76-37.

ЗАВОД ТЕМЗ ИЗГОТАВЛИВАЕТ И РЕАЛИЗУЕТ:

КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А

предназначен для строительства объектов работ при возведении жилых и гражданских объектов, оборудования и строительства промышленных зданий

Теперь вся продукция в АИЗИНГ

АВТОКРАНЫ

для производства строительных и монтажно-ремонтных работ в различных районах на реконструируемых объектах

КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ

КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ

КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ

АВТОЦИСТЕРНЫ И АВТОТОПЛИВО-ЗАПРАВЩИКИ

Объемом 8м³ и 12м³ на шасси МАН, КАМАЗ, МАЗ.

Краноманипуляторы и автовышки на шасси: ISUZU, КАМАЗ, МАЗ и др.

Модель	Высота вылета стрелы	Грузоподъемность
KRANTAS - 335	15 м	3,5 т
KRANTAS - 736	21,5 м	6 т

Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05. Факс: 262-23-61, 269-39-66.
E-mail: toerns@temz.uz www.thema-krantaz

ПРЕЖДЕ ПОКУПАЯ ПРОДУКТЫ РАБОТАЮТ НА ПРОДАВЦОВ ДИПЛОМАТЫ

«УЗНЕФТМАШУЭЛ» АН

«НАША РАБОТА»

ДИПЛОМ РАБОТАНИИ ЧИНЧИЛДИ

«УЗНЕФТМАШУЭЛ» АН — это крупнейшая в Узбекистане компания, занимающаяся производством и реализацией нефтепродуктов. Компания имеет лицензию на производство и реализацию нефтепродуктов, а также на экспорт и импорт нефтепродуктов.

«УЗНЕФТМАШУЭЛ» АН производит и реализует следующие нефтепродукты:

- 1. Бензин
- 2. Дизельное топливо
- 3. Моторное масло
- 4. Топливо для судов
- 5. Топливо для авиации
- 6. Топливо для автомобилей
- 7. Топливо для тракторов
- 8. Топливо для комбайнов
- 9. Топливо для экскаваторов
- 10. Топливо для бульдозеров
- 11. Топливо для самосвалов
- 12. Топливо для тягачей
- 13. Топливо для автобусов
- 14. Топливо для троллейбусов
- 15. Топливо для трамваев
- 16. Топливо для метрополитена
- 17. Топливо для железной дороги
- 18. Топливо для авиации
- 19. Топливо для космонавтики
- 20. Топливо для подводной лодки
- 21. Топливо для ракет
- 22. Топливо для космических кораблей
- 23. Топливо для космических станций
- 24. Топливо для космических аппаратов
- 25. Топливо для космических аппаратов
- 26. Топливо для космических аппаратов
- 27. Топливо для космических аппаратов
- 28. Топливо для космических аппаратов
- 29. Топливо для космических аппаратов
- 30. Топливо для космических аппаратов

«УЗНЕФТМАШУЭЛ» АН имеет филиалы в следующих городах:

- 1. Ташкент
- 2. Самарканд
- 3. Фергана
- 4. Чирчик
- 5. Ташкент
- 6. Самарканд
- 7. Фергана
- 8. Чирчик
- 9. Ташкент
- 10. Самарканд
- 11. Фергана
- 12. Чирчик
- 13. Ташкент
- 14. Самарканд
- 15. Фергана
- 16. Чирчик
- 17. Ташкент
- 18. Самарканд
- 19. Фергана
- 20. Чирчик
- 21. Ташкент
- 22. Самарканд
- 23. Фергана
- 24. Чирчик
- 25. Ташкент
- 26. Самарканд
- 27. Фергана
- 28. Чирчик
- 29. Ташкент
- 30. Самарканд
- 31. Фергана
- 32. Чирчик
- 33. Ташкент
- 34. Самарканд
- 35. Фергана
- 36. Чирчик
- 37. Ташкент
- 38. Самарканд
- 39. Фергана
- 40. Чирчик
- 41. Ташкент
- 42. Самарканд
- 43. Фергана
- 44. Чирчик
- 45. Ташкент
- 46. Самарканд
- 47. Фергана
- 48. Чирчик
- 49. Ташкент
- 50. Самарканд
- 51. Фергана
- 52. Чирчик
- 53. Ташкент
- 54. Самарканд
- 55. Фергана
- 56. Чирчик
- 57. Ташкент
- 58. Самарканд
- 59. Фергана
- 60. Чирчик
- 61. Ташкент
- 62. Самарканд
- 63. Фергана
- 64. Чирчик
- 65. Ташкент
- 66. Самарканд
- 67. Фергана
- 68. Чирчик
- 69. Ташкент
- 70. Самарканд
- 71. Фергана
- 72. Чирчик
- 73. Ташкент
- 74. Самарканд
- 75. Фергана
- 76. Чирчик
- 77. Ташкент
- 78. Самарканд
- 79. Фергана
- 80. Чирчик
- 81. Ташкент
- 82. Самарканд
- 83. Фергана
- 84. Чирчик
- 85. Ташкент
- 86. Самарканд
- 87. Фергана
- 88. Чирчик
- 89. Ташкент
- 90. Самарканд
- 91. Фергана
- 92. Чирчик
- 93. Ташкент
- 94. Самарканд
- 95. Фергана
- 96. Чирчик
- 97. Ташкент
- 98. Самарканд
- 99. Фергана
- 100. Чирчик

Россия

линолеуми

Тел.: 234-48-11.
Факс: 234-49-58.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

“Ўзнефтьмашуэлот” акциядорлик компанияси жамоаси компания бош мутахассиси Ҳақим Исмоиловга волидаи муҳтарамаси ЛАЗОКАТ аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Бадий академияси Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти жамоаси Менежмент кафедраси катта ўқитувчиси Умида Зуннуновага паалари бузруквори Фулом ПЎЛАТОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.



Йилнинг тўрт фаслида ҳам қалин қор билан қопланиб турадиган Хисор тоғининг 4350 метр баландликдаги қисми “Биби олмос” чўққиси”, деб аталади. Ушбу чўққидан эниб келган қор ва ёмғир сувлари воҳа табиати-га доимо яшиллик ва гўзаллик бахш этади.

НОЁБ ЎСИМЛИКЛАР МАКОНИ

Ана шу қорли тоғ тизмаси бағрида “Хисор” давлат қўриқхонаси ташкил этилган бўлиб, унинг фаолияти экологик тизимни — табиий мажмуаларни асл ҳолида сақлаш ва уни келажақ авлодга безавол етказиш, шунингдек, табиий жараёнларни илмий ўрганиш ва табиати муҳофаза қилишнинг илмий асосларини амалиётга татбиқ этишга қаратилган. Шундай эзгу мақсад йўлида амалга оширилаётган савий-ҳаракатлар ўз натижасини берди: кейинги йилларда нафақат ҳайвотот ва наботот дунёсининг ноёб турларини сақлаб қолишга, балки уларни кўпайтиришга ҳам эришилди.

— Қўриқхонамизда Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоб”га киритилган ўсимликларнинг 36, ҳайвонларнинг 7 тури борлиги воҳа табиатининг ноёб-лигидан далолат беради, — дейди қўриқхона директори ўринбосари Бахтиёр Оромов. — Яна бир эътиборли жиҳати, бу ерда Халқаро “Қизил китоб”га киритилган қор қоплони, ўрмон олмаҳони, қизил сугур, катта тақа бурун кўшапалагини ҳам учратиш мумкин. Уларни асраш, кўпайтириш эса ҳамиша диққат марказида турибди. Шу билан бирга, кейинги йилларда ҳайвонларнинг йўқолиб бораётган

тури ҳисобланган Ўрта Осиё кундузи, қор қоплони, Тянь-Шань кўнғир айиғи, кичик тақа бурун, болтаютар, қора лайлак ва лочин, ўсимликлардан лоланинг 5, астрагалнинг 15, ширачнинг бир



неча тури ва ёввойи нўхат ҳам табиий равишда кўпайиб бора-яптики, буларнинг бари илмий жамоамизнинг изланишлари маҳсулидир.

Дарҳақиқат, ноёб турлар кўпайтирилиб, уларнинг айрим-лари ҳатто “Қизил китоб” саҳи-

фаларидан чиқарилаётганида қўриқхона жамоасининг муносиб ҳиссаси бор. Анзур пиёзи бу-нинг яққол мисолидир. Бу хуш-таъм неъмат бундан бир неча йиллар олдин кам учрайдиган ўсимликлар рўйхатидан ўчирилди. Сабаби, анзур пиёзи юрти-мизда кўп миқдорда етиштирил-моқда. Ушбу тур ва Суворов пи-

ёзи қўриқхонада кенг тарқалган эътиборга лойиқдир.

Худуд табиатининг ранг-баранг-лигини, шунингдек, бу ерда ўсим-ликларнинг 870, сут эмизувчилар-нинг 31, қушларнинг 116, судра-либ юрувчиларнинг 17, балиқлар-нинг 2 тури мавжудлиги, Бовурчи, Амир Темура ва Мансур ғорлари сингари табиий ёдрорликлар, Ўғри зиндон, Ҳўкибурун, Ҳўжақулбарс ва Сувтушар шаршаралари бошқа жойда учрамаслиги яққол кўрса-тиб турибди.

— Қизилсув бўлимида, аниқ-роғи, Қалъи Шерон дарёси бош-ланиш қисмининг чап томонида-ги кўк қоя устида динозавр из-

лари сақланиб қолганлиги қўриқ-хона худудининг қадимий ман-зиллардан бири эканлигидан ша-ҳодат беради, — дейди суҳбат-дошимиз. — Айни шу жойда 34 та из аниқ мавжуд бўлиб, энг каттасининг узунлиги 61, эни 41 сантиметрни ташкил этади.

Соҳа мутахассисларининг таъ-кидлашича, 80986,1 гектар май-

донни эгаллаган қўриқхонанинг Мироқи, Қизилсув, Танхоздарё, Гилон бўлимлари табиий ланд-шафтлари ўзаро яқин бўлса-да, лекин экотизими бири-биридан тўбдан фарқ қилади. Бу эса унга бўлган қизиқишни янада ошир-моқда. Натижада воҳа табиати-нинг ўзгаришлари ва ноёб ҳай-вонлар биологиясини ўрганиш, ўсимликлар олами тадиқ қилиш борасидаги илмий изла-нишлар кўлами тобора кенгай-моқда. Зотан, она-табиат неъматларини асраб-авайлаш, биохилма-хилликни сақлаш энг хайрли ишдир.

Дилбар КЕНЖАЕВА.

«ТАХТИҚОРАЧА» ТАРОВАТИ

Денгиз сатҳидан 2 минг метр баландликдаги «Тахтиқорача» доворининг энг юқори нуқтаси — Самарқанд вилояти худуди бошланадиган жойга чиққан йўловчи ўзини кушдек енгил ҳис қилади. Йил-нинг тўрт фаслида ҳам баҳордагидек яшнаб турувчи қалин ўрмон-ларнинг хушбўй ифори, тоғлар ва сойлардан эсган майин шаббода баҳриди-лингизни очиб юборади. Шу боис бўлса керак, доvon табиати барчани ўзига оҳанрабодек тортиб келади.



«Мингарча» оромгоҳи тоғнинг энг хушманзара гўшаларидан бири ҳисобла-нади. Қарийб бир гектар майдонни эгаллаган ушбу оромгоҳ худудида барқ уриб



15 минг тупдан кўпроқ Қрим қарағайлари парва-ришланмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Унинг таъ-кидлашича, 1 гектар худуд-даги игнабаргли дарахтлар бир кеча-кундузда 30 кило-грамм заҳарли ҳавони ютиб, соатига 200 кишини таъминлайдиган кислород ҳосил қилар экан.

«Тахтиқорача» доворидан қўйга тушаврсангиз, таби-ат алмашинувиغا гувоҳ бўлиб, Омонқўтнинг бетак-рор гўзаллигидан ҳайрат дарёсига фарқ бўласиз. Қизилтўриқ, Қизилбош, Тегирмонбоши ва Қоратепа сингари қишлоқлар жойлаш-ган ушбу худуд игнабаргли дарахтлардан ташқари, ёнғок, дўлана, тол, терак ва бошқа дарахтлар билан қоп-ланган. Тоғ гулларидан лопла, бойчечак, қизгалдоқ, гулсап-сар, бинафшанинг бир неча, шунингдек, шифобахш ги-ёҳларнинг кўплаб турлари ўсади.

Тоғ бағридан каттаётган шўх сой бора-бора ташта-лашиб, қишлоқларни қоқ икки-га ажратиб қўйган. Унинг суви «Қоратепа» сув омбори-га қуйилади. Омбор шарофа-ти билан Ургут ва Самарқанд туманларининг кенгликлари-да боғдорчилик ва деҳқон-чилик ривожланмоқда.

Сув омборининг бир чек-каси қадимий тоғ этагига-ча туташиб кетган. Тепалик-даги икки динозавр боши тўқнашган ҳолатни эслата-ди Тешкиттош, қоя усти-даги ҳайбатли тошбақа кўринишига эга улкан тош-га разм солиб, табиатнинг ҳайкалтарошлик санъатига қойил қоласан, киши. Бун-дай ноёб ва маҳобатли тошлар немис киностала-ри эътиборини тортган, яъни улар ўткир сюжетли фильмини суратга олиш учун айнан шу жойни танлагани ҳам бежиз эмас.



«Тахтиқорача» — она-табиатнинг бетакрор мўъжизаси. Бу ердан бош-ланиб, шовуллаб оқаётган катта сой-нинг зилол суви, турфа хил табиат чечаклари, сайроқи қушлар ноласи нафақат бу гўшага келувчиларнинг, балки ҳар бир йўловчининг қалбига олам-олам завқ, рухиятга тетиклик бахш этади. Шу маънода, унинг табиатини мусаффо ва безавол ас-рашга ҳар биримиз масъул эканли-гимизни унутмайлик.

Дилмурод ДЎСТМУРДОВ.

Ибодулло ХИТОВЕВ олган суратлар.

Сурхондарёнинг Шўрчи туманидаги Далварзин қишлоғига туташ худудда «Зайтунзор» фермер хўжалиги фаолият юритади. Унинг тасарру-фида 400 гектар ер бор. Ушбу майдонларнинг асосий қисмини ўрмон, чангалзор, қамишзорлар ташкил этади.

Фермернинг қўриқхонаси

Қизиги шундаки, хўжалик аъзолари бу худуднинг табиий ривожланишига хала-қит қилмайдилар. Масалан, ҳозир бу ерда қамишнинг 20 тури ўсаяпти. Жийданинг ўн тури бор: чилонжйида, ёввойи жийда, шакаржйи-да... Куюқ экилган тераклар кўкка буй чўзган. Жингил-

зукко, изланувчан соҳиб-кор. Бир туп тоқдан 100 килограммгача узум олади. Бодомлари асалнинг таъ-мини эслатади. 4ч гектар-лик зайтунзордан эса бу йил ҳосил кўтаради. Бунга қўшимча хўжалик йилига 6 — 7 минг туп мевали, ман-зарали дарахт кўчатларини етиштириб, аҳолини ниҳол билан таъмин-лашга ҳисса қўшаяпти.

Айни пайтда хўжа-лик аъзолари мамлақати-миз Мустақиллигининг 20 йиллигига муносиб тўх-фа ҳозирлаш ҳаракатида: улар йилгирма минг туп кўчат етиштириб, шунинг аксар қисмини ўқув ва шифо масканларига бепул аямурдон этишмоқчи. Қола-верса, иккита мактабни ота-лиқларига олиб, табиате-варлар учун тўғараклар ташкил этишни ҳам режа-лаштиришган. Ушбу эзгу та-шаббуслар тўлиқ амалга оширилган, табиатга ошно ёшлар сафи янада кенга-йиши, шубҳасиз.

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Мамлакатимизда...

Бир қанча биогеографик ўлкалар туташган минтақада жойлашган республикамиз ҳайвотот олами ҳам жуда бой.

Айни пайтда умуртқали ҳайвонларнинг 677 тури, шу жумладан, сут эмизувчиларнинг 108, қушларнинг 432, судралиб юрувчиларнинг 58, амфибияларнинг 2 ҳамда балиқларнинг 77 тури, шунингдек, умуртқасизларнинг 15 мингдан ортиқ тури мавжудлиги шундан далолат беради.

Ҳозирги кунда сут эмизувчиларнинг 23, қушларнинг 48, судралиб юрувчиларнинг 16, балиқларнинг 17, ҳалқаси-мон чувалчангларнинг 3, моллюскаларнинг 14 ва бўғимоёқ-лиларнинг 61 тури «Қизил китоб»га киритилган бўлиб, улар алоҳида муҳофазага олинган.



Ўргимчак ва илон доимо олимларнинг диққат-эътиборини тортиб келган. Улар нафақат заҳарли эканлиги, балки давр чигиригидан омон ўтаётганлиги боис қизи-қишни ошириб, ўрганиш манбаи бўлиб қолаёттир. «Онажоним — табиат» саҳифаси шинавандаларига улар ҳақидаги янги маълумотларни илдиндик.

• Ўргимчаклар орасида энг узоқ яшовчи тур тарантула ҳисобланади. У 15 — 30 йил-гача ҳаёт кечирилади. Жанубий Америкада яшовчи ушбу ҳашаротнинг катталиги 30 см., оғирлиги 120 граммга тенг.

• Сайёрамиздаги энг заҳарли ўргимчак Бразилия сайёҳати ўргимчагидир. Асар у чаққан кишига 30 дақиқа ичида тез тиббий ёрдам кўрсатилмаса, ҳашарот заҳри инсон ҳаётига зомин бўлиши ҳам мумкин.

• Қоракурт ҳам энг заҳарли ўргимчаклар тои-фасига кириди. Танасининг катталиги 4-20 мм.га-ча борадиган ушбу митти ҳашаротнинг заҳари ша-қилдоқ илонниқидан 15 марта хавфлироқ экан.

• Илонлар ичида энг улкани Жанубий Америка бўлган анакондаси ҳисобланади. Унинг узунлиги 12 метр, оғирлиги эса 200 килограммгача етади.

• Судралиб юрувчилар орасида энг тезюри — Қора Мамба. «Чемпион»-лиқни кўлдан бермай келаётган бу илон соатига 15-20 км. тезликда ҳаракатлана олади.

• Илонлар орасида Марказий Австра-лияда учрайдиган тайпан илони энг за-ҳарли тур, дея тан олинган. Гап шундаки, унинг атиги бир доза заҳри 100 киши-нинг ҳаётини сўндириши мумкин.

Шохруҳмиро ОДИЛБЕКОВ тўплади.

Ўргимчак заҳарлими, илон?

Мушоҳада

шунилади. Исиш эса ўзгаришнинг бир кўринишидир.

Қайд этилган муаммолар инсон-ията ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан жиддий зиён етказяётгани эса, ўз навбатида, табиат қонунлари-да эндиликда нотабиий вазиятлар пайдо бўлишига олиб келяпти. Шунинг ўзи бу борада олиб борилаёт-ган чора-тадбирлар кўламини янада кенгайтиришни тақозо этмоқда.

Таъкидлаш керакки, юртимизда

Ўзбекистон, шунингдек, Вена конвенцияси, Монре-аль протоколи сингари қатор халқаро ҳужжатларни ҳам ратификация қилиб, уларнинг талаблари бажарилишини таъминлаб кел-моқда.

— Бундан ташқари, бу бо-рада омманинг, хусусан, ёшларнинг билим ва тушун-чаларини ошириш учун

бошқа кўплаб халқаро ҳамда маҳаллий ташкилотлар би-лан ҳам ҳамкорлик ўрнат-ганмиз, — дейди Ўзбекис-тон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси бош мутахассиси Хония Асилбекова. — Жум-ладан, яқинда Британия Кенгашини ҳамда Ўзбекистон Миллий университети билан ҳамкорликда «Иқлим ўзгари-

ши муаммолари бўйича халқаро ҳаракат дастури» доирасида семинар-тренинг ўтказдик. Унда иқлим ўзга-ришининг оқибатларини юмшатишда ёшларнинг фаол иштирокини таъмин-лаш бўйича фикр алмашил-ди. Уларнинг бу борадаги гошларини кўллаб-қувватлаш лозимлиги таъкидланди.

Қолаверса, ҳозирги кун-

табиатни асраш, атроф-муҳит мусаф-фоллигини таъминлаш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Жум-ладан, 1992 йилда «Табиатни муҳо-фаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва ушбу қонун

доирасида эса яна кўплаб ҳужжатлар қабул қилинган. Қатор халқаро таш-килотлар билан самарали алоқалар ўрнатилган.

Ўзбекистон Республикаси Табиат-ни муҳофаза қилиш давлат қўмита-сидан олинган маълумотларга кўра, 2010 йили атроф-муҳит муҳофазаси-га доир дастурларнинг ижроси юза-сидан олиб бориладиган ишлар натижа-сида атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқарилиши сезиларли да-ражада қамайгани кузатилмоқда. Бу Киота протоколига биноан кўрилайт-ган чора-тадбирлар тўғрйли «Навойазот», «Фаргонаазот», «Мак-сам-Чирчиқ» сингари корхоналарда атмосферага зарарли ташланмаларни қисқартириш бўйича янги технология-ларни ўрнатиш ишлари ниҳоясига етказилгани самарасидир.

да озон қатлами ҳақидаги маълумотлар мактаб дарс-ликларидида ҳам тўлиқ баён этилган. Бу бежиз эмас. Чун-ки озон қатлами, умуман, та-биат ҳақида етарли тушунча-га эга бўлсаккина, уни асраб-авайлашга интиламиз. Таби-атни муҳофаза қилиш эса ҳаётни, ўзимизни хавф-хатардан ҳимоялаш демакдир.

Сарвар ОЧИЛОВ.

Камалакранг эвкалипт ҳақида эшитганмисиз? Бу — антиқа дарахт Ер шарининг шимолий қисмида ўсади. Бўйи 70 метргача етадиган ушбу дарахт камалакнинг барча рангларида товланади. Шу боис у «камалакранг эвкалипт» дея ном олган.


КАМАЛАКРАНГ ЭВКАЛИПТ

Гап шундаки, дарахт пўстлоқ-лари худди сариқ, яшил, қизил ва сиёҳрангга бўяб қўйилгандек. Буну кўрган киши моҳир рассом-нинг ижод маҳсули, дейиши ҳам мумкин. Аслида, камалакранг эвкалипт мусаввир табиатнинг мўъжизаларидан биридир.

Макур дарахт табиий ҳолда Индонезия, Янги Гвинея ва Филиппинда ўсади. Кейинги пайтда бу тропик дарахт кўплаб давлатларда, хусусан, Жанубий Америка мамлакатлари, Малай-зия, Шри-Ланка, Хитойда мада-нийлаштирилди. Чунки ундан

юқори сифатли қоғоз ишлаб чи-қарилади.

Фаройиб дарахтни кўпай-тиришга қизиқиш катталигига



сабаб унинг ранг-баранг пўстлоқларидир. Негаки, кама-лакранг эвкалипт пўстлоқлари безак сифатида қурилиш соҳа-сида кенг қўлланилмоқда.

Эътиборлиси, дарахт ўз пўстлогини ҳар йили янгилаб туради. Унинг ранги эса ёшига

қараб ўзгариб боради. Яъни да-рахт танаси дастлаб тўқ яшил рангда бўлади. Йиллар ўтиши билан пўстлоқ қорайиб, кўк, сўнгра сиёҳрангга кириди. Ундан кейин эса унинг туси тўқ қизил ва апельсин рангига ўзгаради. Ана шунда эвкалиптининг бор гўзаллиги намоян бўлади. Узоқ-узоклардан ҳам унинг турфа ранги товланиб, ажиб манзара кашф этадики, унга боқиб, она-табиатнинг мўъжизаларига тасаннолар айтасан, киши.

Лозиза СУЛТОНОВА таяёрлади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Конунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 303. 78776 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.



ISSN 2010-8788

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахрирт тавабгор эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

1-Тижорат материал

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.55 Топширилди — 00.10 1 2 3 4 5